

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Қ.Бозоров	
Андижоннинг суғорилиш тарихига доир мулоҳазалар	81
У.Усаров	
XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ва ер-сув муносабатлари.....	85
Б.Шодмонов	
Ўзбекистон ёшларга оид давлат сиёсати ва унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқишининг тарихий босқичлари.....	90

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.Акбаров	
“Кечиккан марҳамат” нинг бадиий ифодаси.....	98
Г.Қосимова	
Мемуар асарда муаллиф услуби ва ифода шакли	102
Б.Абдурахмонова	
Огаҳийнинг “Устина” ғазали матни устида ишлаш	105
В.Қаюмов, Б.Дехқонов	
У.Ҳамдамнинг “Кўнглимдаги дарё” хикоясида дарё образи.....	110
О.Солиева	
Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (II қисм)	114

ТИЛШУНОСЛИК

Р.Сайфуллаева, П.Бобокалонов, Н.Ҳаятова	
Хорижий тилни ўргатишда психонейролингвистик ҳолат ва каноник модели гапларнинг ўрни	119
З.Алимова	
Ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган префикс ва суффикслар хусусида.....	124

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

М.Ахмедова	
Тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларида чет тилида касбий-коммуникатив компетенцияни шакллантириш масалалари	128
М.Шокирова, Н.Абдуллаева	
Талабаларнинг чет тилида коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг фаолиятга асосланган ёндашуви.....	132
У.Хайдарова	
Талабаларнинг ёзма ишларига билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг аҳамияти	136

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева	
Ўнг томони номаълум бўлган иккинчи тартибли чизикли оддий дифференциал тенгламалар учун чегаравий масала	140
В.Расулов, Р.Расулов, Б.Ахмедов, А.Абдухоликов, У.Раимжонова	
Яримўтказгичларда эффектив гамильтонианнинг нодиagonal матрицавий элементлари ҳақида	143
Х.Муйдинов	
Қорақалпоғистон шароитида қорамол тери ости бўкаларининг турлари ва тарқалиши	147
Б.Усманов, Ш.Умурзакова	
Буғдой навлари сифатининг физик-кимёвий кўрсаткичлари	150
Ф.Юлдашев, Д.Обидова	
Ёшлар камолотида инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларини юксалтиришнинг муҳим жиҳатлари	153
А.Мамаджанов	
Конституция – давлат ҳуқуқий тизимининг асоси	156
М.Шамсиева	
Ижтимоий ҳимоя инсон тараққиёти индексини белгиловчи асосий мезон сифатида	159

УДК 664.73

БУҒДОЙ НАВЛАРИ СИФАТИНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ
PHYSICO-CHEMICAL INDICATORS OF THE QUALITY OF WHEAT VARIETIES
ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ КАЧЕСТВА СОРТОВ ПШЕНИЦЫ

Б.Усманов, Ш.Умурзакова

Аннотация

Мақолада маҳаллий буғдой донларидан навли ун тортишда, донларнинг физик-кимёвий сифат кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олиб, маҳсулот чиқиши ва сифати уларга боғлиқлиги ўрганилди.

Аннотация

В статье исследуется значение физико-химических характеристик качества злаков при производстве пшеничной муки из местных сортов пшеницы, а также зависимость от них выхода и качества продукции.

Annotation

The article explores the importance of the physical and chemical quality characteristics of cereals in the production of wheat flour from local wheat, and the dependence on the output and quality of the grain.

Таянч сўз ва иборалар: буғдой дони, геометрик ўлчамлар, сайқаллаш, ишлов бериш, физик-кимёвий хоссалари, шаффофлик, эндоспермнинг масса улуши, “Элита”, “Трам”.

Ключевые слова и выражения: зерно пшеницы, геометрические размеры, отбеливание, обработка, физико-химические свойства, прозрачность, массовая доля эндосперма, «Элита», «Трам».

Keywords and expressions: wheat grain, geometric dimensions, bleaching and processing, physico-chemical properties, transparency, mass fraction of endosperm, "Elite", "Tram".

Буғдой донининг физик-кимёвий хоссалари навли ун тортишда, асосий вазифаларни ечишда муҳим амалий аҳамиятга эга. Шунингдек, буғдой донининг геометрик ўлчамлари унинг эндосперм миқдорига бевосита таъсир қилиб, ун чиқишини ҳисобий аниқлашда муҳимдир. Доннинг геометрик ўлчамлари сепарациялаш жараёнини моделлаштиришда, майдалашнинг технологик режимларини танлашда, сайқаллашда ва унга ишлов берувчи бошқа

ускуналарнинг самарадорлигини оширишда асосий амалий аҳамиятга эгадир [1].

Қуйида келтирилган схемада буғдой донининг физик-кимёвий хоссалари унинг технологик хоссаларига ва технологик жараёнларини юритишга таъсири тасвирланган. Қуйидаги 1-расмда буғдой донининг физик-кимёвий хоссаларини ташкил этувчи кўрсаткичларнинг блок схемаси келтирилган.



Расм-1. Буғдой донининг физик-кимёвий хоссаларини ташкил этувчи кўрсаткичларнинг блок схемаси

Б.Усманов – ФарПИ, техника фанлари номзоди, доцент.

Ш.Умурзакова – ФарПИ, ассистент.

Юқорида келтирилган хулосаларга асосан, тадқиқот тажриба учун Фарғона вилоятида етиштирилган “Элита” ва “Трам” маҳаллий буғдой навларининг физик-кимёвий кўрсаткичлари ГОСТ 13586.3-83 га мувофиқ “Фарғонадон маҳсулотлари” АЖ нинг ишлаб чиқариш лабораториясида аниқланди.

Майдалаш жараёнида ҳамда юқори сифатли ун-ёрма маҳсулотларини олиш жараёнида физик-кимёвий кўрсаткичлар: шаффофлик, эндоспермнинг масса улуши, 1000 та дон массасининг таъсири бор. Тегирмонларда технологик жараёнларни ташкил этиш ва юритиш қоидаларида келтирилишича, 1000 та дон массаси, табиий оғирликка нисбатан технологик кўрсаткичи аҳамиятлидир. Одатда, 1000 та дон оғирлигининг ошиши билан унинг технологик хоссалари оптималлашади, яъни дон йириклиги аҳамиятли тарзда ортади.

Тегирмонларда технологик жараёнларни ташкил этиш ва юритиш қоидаларида буғдой донининг натура оғирлиги 775 г/л дан ҳар бир грамм

камайиши ҳисобига, навли ун чиқиши 0,05% кепакнинг чиқиши 0,05 % га ортиши назарда тутилган.

Буғдой донининг шишасимонлиги навли ун тортишда, унинг унбоплик хоссаларини белгилайди. Биринчи навбатда шишасимон донлар майдалаш жараёнида ҳосил бўладиган оралик маҳсулот ўлчамлари 1,15 дан 0,16 мм гача бўлиши навли ун чиқишини орттиради. Ушбу ўлчамлардаги оралик маҳсулот чиқишининг ортиши тайёр маҳсулот чиқиши ва сифати ошишини таъминлайди [2,427].

Шунинг учун маҳаллий буғдой донларидан навли ун тортишда, донларнинг физик-кимёвий сифат кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олиб, маҳсулот чиқиши ва сифати уларга боғлиқлиги ўрганилди. Шу сабабли айнан физик-кимёвий сифат кўрсаткичи бўйича помол партиялари тузилади. Фарғона вилоятида етиштирилган “Элита” ва “Трам” навларининг физик-кимёвий сифат кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

Буғдой дони навларининг аниқланган физик-кимёвий кўрсаткичлари 1-жадвал

№	Буғдой нави	шаффофлик, %	Натура оғирлиги, г/л	Намлик, %	Эндоспермнинг масса улуши, %	1000 та дон дон массаси, г	Кулдорлиги, %	Клейковина миқдори	Дон ҳажми, V (мм ³)	Дон юзасининг майдони, F (мм ²)
1.	Элита	50	757	12,2	89,9	41.2	1,77	25	4,3	59,41
2.	Трам	51	754	12,3	87,1	45.0	1,76	25	3,60	61,41

1-жадвалдан келтирилган тажриба натижаларидан кўриняптики, навлар бўйича шаффофлик ва натура оғирлиги орасидаги боғлиқлик мос эмаслиги кузатилади. Ушбу номутаносиблик намликнинг аҳамиятсиз таъсир этиши тадқиқ қилинди.

Тажриба учун олинган “Элита” ва “Трам” маҳаллий навли буғдой донларининг “Шаффофлик”, “Эндоспермнинг масса улуши”, “Кулдорлик” ва “Клейковина миқдори” сифат кўрсаткичлари мослиги кузатилади. Ушбу сифат кўрсаткичлар ун чиқиши ва унинг сифатига бевосита таъсир қилади. Диссертация ишида назарда тутилган майдаловчи вал юзасига юкламанинг тақсимланишига таъсири юқорида

келтирилган сифат кўрсаткичларига боғлаб ўрганилди. Жумладан, шаффофликнинг ишқаланиш ва табиий қиялик бурчагига намликка боғлиқлиги қуйидагича изоҳланади:

Донларнинг физик-кимёвий сифат кўрсаткичларини, иккита нав бўйича фарқларини фоизларда келтириб, қиёсланганда уларнинг ўзаро боғлиқлиги яққол намоён бўлади. Дастлаб уларнинг шаффофлиги 1 % га “Трам” навининг юқорилиги, Натура оғирлиги 3 % га “Элита” нави оғирлиги, намлиги ва 1000 дон оғирлиги “Элита” нави 2 % юқорилиги, Эндосперм миқдори 1% га ва Клейковина миқдори 1,2% “Трам” нави юқорилиги аниқланди. Жадвалда келтирилган асосий физик-кимёвий сифат

кўрсаткичларнинг фоиздаги фарқлари табиий қиялик бурчаги ўзгаришига таъсирини ўрганиш мақсадида таҳлил қилинди. Таҳлил пайтида маълум бўлдики, донларнинг шаффофлиги орасидаги 6,1% ни ташкил этиб, уларнинг

намликка боғлиқ ҳолда табиий қиялик ва ишқаланиш бурчаклари ўзгаришига таъсир этувчи асосий омил шаффофликлиги аниқланди.

Адабиётлар:

1. Хдитов Р.А., Зупаров Р.И., Раджабова В.Э., Шукуров З.З. Дон ва дон маҳсулотларининг сифатини баҳолаш ҳамда назорат қилиш – Т.: “Университет”, 2000.
2. Адизов Р.Т.. Дон ва дон маҳсулотларини сақлаш технологияси – Т.: Фан, 2012.
3. Усманов Б.С., Ш.М.Умурзакова. Сақлашга қабул қилинадиган доннинг таркиби ва хусусиятларига таъсир қиладиган омиллар // Сборник материалов I Международной научно-практической конференции «Актуальные проблемы внедрения инновационной техники и технологий на предприятиях по производству строительных материалов, химической промышленности и в смежных отраслях». 1-том, – Фергана: 2019.